

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.Үн.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

ИБРОҲИМОВ ЖАМШИД АБДУҒОФУР ЎҒЛИ

**ТЕРРОРИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ
КУРАШИШНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНОЛОГИК
ЖИҲАТЛАРИ**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Докторлик (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации (PhD)

Content of the abstract of the doctoral (PhD) dissertation

Иброхимов Жамшид Абдуғофур ўғли

Терроризм билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари.....3

Иброхимов Жамшид Абдуғофур угли

Уголовно-правовые и криминологические аспекты борьбы с преступлениями, связанные с терроризмом.....25

Ibrohimov Jamshid Abdugafor ugli

Criminal-legal and criminological aspects struggle against crimes depended on terrorism.....45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....49

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.Үн.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

ИБРОҲИМОВ ЖАМШИД АБДУҒОФУР ЎҒЛИ

**ТЕРРОРИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ
КУРАШИШНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНОЛОГИК
ЖИҲАТЛАРИ**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Үу264 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://akadmvd.uz/uz/nauka/deyatelnost-nauchnogo-soveta>) ва «ZiyoNET» таълим Ахборот таълим тармоғида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Закирова Адина Гулямовна**
юримдик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Тахиров Фарход**
юримдик фанлар доктори, профессор

Турғунбоев Элбек Одилжонович
юримдик фанлар номзоди

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат юримдик университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/30.12.2019.Үу.25.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 18 декабрь соат 12:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (+99871) 265-22-52; e-mail: info@akad.mvd.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (119-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (+99871) 265-22-52.

Диссертация автореферати 2020 йил 05 декабрькуни тарқатилди.
(2020 йил 05 декабрдаги 29-рақамли реестр баённомаси).




А.С.Турсунов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, юримдик фанлар доктори,
профессор


Дж.Х.Юлдашев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, юримдик фанлар бўйича
фалсафа доктори (PhD), доцент


Р.Кабулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, юримдик
фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сўнгги йилларда терроризм билан боғлиқ жиноятлар трансмиллий ва трансчегаравий хусусият касб этиб, ижтимоий хавфлилик даражаси кескин ошиб бормоқда. Хусусан, 2018–2019 йилларда дунёнинг 80 дан зиёд мамлакати ҳудудида 5 мингдан ортиқ террористик ҳаракатлар содир этилиб, уларнинг оқибатида 30 мингдан кўпроқ инсон ҳалок бўлган ёки жароҳатланган¹. Терроризмга қарши курашиш борасида дунёда кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётган бўлсада, мазкур турдаги жиноятлар миқдори камаймаяпти. Бугунги кунда терроризм умумбашарий ҳалқаро муаммога айланди. Шу сабабли терроризм билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик усул ва асосларини такомиллаштиришга эҳтиёж ортиб бормоқда ҳамда уларни янада такомиллаштириш долзарб ҳисобланади.

Жаҳонда терроризм билан боғлиқ жиноятларга қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларини такомиллаштириш, жумладан, ушбу жиноятлар учун жавобгарликни дифференциациялаш, мазкур соҳадаги халқаро ҳужжатлар талабларидан келиб чиққан ҳолда бир қатор янги ижтимоий хавфли қилмишларни криминализация қилиш ҳамда жиноят қонунини янада такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда терроризм билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш, бу борада аҳолининг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш ҳамда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шакллариغا қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чора-тадбирларни кучайтириш»² вазифаси алоҳида белгиланган. Мамлакатимизда судлар томонидан 2015–2019 йилларда тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни хабар қилмаслик жинояти бўйича 64 та, террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтиш, чиқиш ёки ҳаракатланиш жинояти бўйича 100 та ҳамда терроризмни молиялаштириш жинояти бўйича 33 та жиноят иши кўриб чиқилган³. Бу эса терроризмни комплекс тавсифланувчи ижтимоий хавфли ҳодиса сифатида ўрганиш, унга қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларини тадқиқ этиш, жиноят қонунининг бу борадаги

¹ Country Reports on Terrorism 2019 – Доклад Государственного департамента США о проблемах борьбы с терроризмом в мире // www.state.gov – официальный веб-сайт Государственного департамента США.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармонининг 1-иловаси 2.4-банди // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017. №6. 70-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2020 йил 31 январдаги 07/24-36-сон хати.

нормаларини инвентаризациядан ўтказиш, терроризмга қарши кураш бўйича ҳамкорликни тизимлаштириш ва бирлаштириш, криминологик услубларни ва воситаларни қўллашни такомиллаштириш, жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш механизмини янада ривожлантиришга қаратилган комплекс илмий тадқиқот амалга оширилишни тақозо этади ва мазкур масалалар бугунги куннинг долзарб вазибаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида» (2000), «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида» (2004), «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014) қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПФ–4850-сон «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сон, 2020 йил 10 августдаги «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6041-сон фармонлари, 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3723-сон қарори ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини муайян даражада амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар тараққиётининг 2012-2020 йилларга мўлжалланган «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни такомиллаштириш» устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари алоҳида тадқиқ этилмаган. Бироқ, терроризмнинг жиноят-ҳуқуқий, криминологик ва криминалистик жиҳатларига бағишланган бир қанча илмий ишлар олиб борилган. Хусусан, мустақиллик йилларида мамлакатимизда терроризмга қарши курашишнинг айрим масалалари М.Ҳ.Рустамбаев, М.А.Ражабова, Ж.А.Неъматов, А.С.Якубов, З.Х.Гулямов, З.С.Зарипов, Б.Э.Закиров, И.Исмоилов, Қ.Р.Абдурасулова, А.Г.Закирова, Р.Қобулов, М.М.Кадыров, А.К.Закурлаев, А.А.Мирзаев, Б.У.Таджиханов, Н.О.Сафарова ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

МДҲ давлатларида Ю.М.Антонян, Ю.С.Горбунов, А.Г.Кибальник, С.Е.Метелев, П.В.Агапов, А.М.Абдулатипов, С.В.Аверин, З.А.Шибзухов,

Н.А.Чернядьева, Ю.С.Белик, С.Ю.Богомоллов, А.А.Дзюба, М.Ю.Дворецкий, Е.А.Димитрова, А.Н.Игнатов, М.В.Каракулин, Р.В.Минин, Ю.А.Клименко, Ю.А.Крутикина, Т.Ф.Миняева, И.Р.Михеев, С.В.Петрикова, Т.В.Пинкевич, А.В.Серебряков, С.В.Старков, А.Н.Тарбагаев, В.И.Торговченков ва бошқаларнинг тадқиқот ишлари ушбу масаланинг у ёки бу жиҳатларига бағишланган.

Хорижий давлатларда Ж.Хупер, Д.Ормерод, Д.Гловка, У.Крастинс, В.Лиҳолажа, А.Ниедре, А.Кучс, В.Лакуер, Э.Трэлс ва бошқа олимларнинг ишларида терроризм билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш масалалари баён қилинган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги: Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг 2018-2021 йилларга доир илмий тадқиқот ишларининг «Жиноят ва жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» режаси билан узвий боғлиқдир.

Тадқиқот мақсади терроризм билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

терроризм билан боғлиқ жиноятлар тушунчасини аниқлаш ва унинг учун жиноий жавобгарлик белгиланишининг ижтимоий заруратини таҳлил қилиш;

терроризм билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонунчилигини генезисини таҳлил қилиш;

айрим хорижий мамлакатлар жиноят қонунларида терроризм билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган нормаларини ўрганиш, уларнинг ижобий тажрибасини миллий қонунчиликка имплементацияси бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

терроризм билан боғлиқ жиноятларни юридик таҳлил қилиш;

терроризм билан боғлиқ айрим ижтимоий хавфли қилмишларни криминализация қилиш истикболларини тадқиқ этиш;

терроризм билан боғлиқ жиноятларга криминологик тавсиф бериш ва уларнинг сабабларини аниқлаш;

терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш чораларини тадқиқ қилиш;

терроризм билан боғлиқ жиноятларга қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик асосларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти терроризм билан боғлиқ жиноятларга оид жиноят ҳуқуқий ва криминологик муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети терроризм билан боғлиқ жиноятларга оид жиноят-ҳуқуқий ва криминологик муносабатларни тартибга соладиган

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ушбу жиноятлар бўйича суд-тергов амалиёти, мазкур муаммога бағишланган илмий асарлар, статистик материаллар ва хорижий мамлакатлар тажрибаси ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб бориш жараёнида илмий билишнинг тарихийлик, мантиқий-юридик, формал, қиёсий-ҳуқуқий, тизимли таҳлил, статистик усулларида, шунингдек социологик сўровлар ўтказиш, жиноят ишлари материалларини ўрганиш ва бошқа методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

терроризм билан боғлиқ жиноятларни дифференциация қилиш, шу жумладан, терроризмни молиялаштириш жиноятининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ушбу қилмиш учун алоҳида жиноий жавобгарлик белгилаш зарурати асослантириб берилган;

бириктирилган ҳудудда фаолиятини амалга оширувчи ички ишлар органлари ходимларига нисбатан бир марталик пул мукофоти тарзидаги иқтисодий таъсир чораларини қўллашда тегишли ҳудуддаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 155-моддасида (терроризм) назарда тутилган жиноятларнинг содир этилиш ҳолатини фаолиятни баҳолаш мезонлари сифатида белгилаш зарурати асосланган;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика ва ҳудудий идоралараро комиссияларга фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштирокини рағбатлантириш бўйича тақдимнома киритиш орқали уларни мазкур жараёнга кенг жалб этиш тизимини йўлга қўйиш мумкинлиги исботланган;

террорчилик ҳаракати тўғрисида қасддан ёлғон хабар бериш, террорчилик ташкилотини ташкил этиш ёки унга аъзо бўлиш, терроризмни оқлаш ёки террористик ҳаракатлар содир этишга даъват қилиш учун жиноий жавобгарлик белгилаш зарурати асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси куйидагилардан иборат:

жиноятга қарши курашни самарали ташкил этиш, бу борадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги камчиликларни бартараф этиш, халқаро террорчилик ташкилотини молиялаштиришга қарши таъсирчан механизмларни жорий этиш мақсадида терроризмни молиялаштириш учун жиноий жавобгарликни такомиллаштириш асослантирилган;

жиноят ҳуқуқида инсонпарварлик ва одиллик принципларини тўлақонли амалга ошириш мақсадида терроризмни амалга оширганлик ва бу билан таҳдид қилганлик учун жавобгарликни дифференциация қилиш асослаб берилган;

терроризм учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида ўқ отар қуролдан, портловчи, заҳарловчи, кучли таъсир қилувчи, кимёвий, биологик, радиоактив моддалардан, ядровий материаллар ва оммавий

қирғин қуролларидан фойдаланиш, атом энергетикаси объектларида содир этишни киритиш тавсия этилган;

жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашга, давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг нормал иш фаолиятини таъминлаш мақсадида террорчилик ҳаракати тўғрисида қасддан ёлғон хабар бериш учун жавобгарликни белгилаш таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ва миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотларнинг анкета, интервью ва эксперт баҳолаш шаклларига асосланган, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация ишининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, жиноят қонунининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда «Жиноят ҳуқуқи» ва «Криминология» фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади. Тадқиқот ишининг назарий жиҳатларига таяниш келгусида жиноят ҳуқуқи соҳасида қонун ижодкорлигини такомиллаштириш, терроризм билан боғлиқ жиноятларга оид ҳуқуқни қўллаш амалиётини унификациялаш, мазкур жиноятларга қарши кураш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ янги илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини беради. Шунингдек, «Жиноят ҳуқуқи», «Криминология» ва «Жиноят ҳуқуқи муаммолари» фанлари бўйича маъруза, мунозара ва амалий машғулотларда, ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, жиноят қонунини такомиллаштириш ҳамда қонунни қўллаш амалиётини ривожлантириш, терроризм билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишнинг самарали ва таъсирчан механизмларини жорий этиш, янги таҳрирда ишлаб чиқиладиган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:

Ўзбекистон Республикасида терроризм билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

терроризм билан боғлиқ жиноятларни дифференциация қилиш, шу жумладан, терроризмни молиялаштириш жиноятининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ушбу қилмиш учун алоҳида жиноий жавобгарлик белгилашга оид таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон

Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сон Қонунининг учинчи моддаси еттинчи қисмини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2020 йил 18 февралдаги 3-сон маълумотномаси). Терроризмни молиялаштириш учун жиноий жавобгарликнинг алоҳида моддада белгиланиши Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги нормаларининг халқаро стандартларга мувофиқлаштирилишига хизмат қилган;

Бириктирилган ҳудудда фаолиятини амалга оширувчи ички ишлар органлари ходимларига нисбатан бир марталик пул мукофоти тарзидаги иқтисодий таъсир чораларини қўллашда тегишли ҳудуддаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 155-моддасида (терроризм) назарда тутилган жиноятларнинг содир этилиш ҳолатини фаолиятни баҳолаш мезонлари сифатида белгилашга доир таклифдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 февралдаги 137-сон қарори билан тасдиқланган Бириктирилган ҳудудда фаолиятини амалга оширувчи профилактика инспекторлари ва тезкор ходимларга нисбатан бир марталик пул мукофоти тарзидаги иқтисодий таъсир чораларини қўллаш мезонларининг олтинчи ва ўн учинчи бандларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 февралдаги 12/18-6-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг инobatга олиниши ички ишлар органларининг терроризмга қарши курашиш фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилган;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика ва ҳудудий идоралараро комиссияларга фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштирокини рағбатлантириш бўйича тақдимнома киритиш тартибини жорий этишга доир таклифдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 январдаги 15-сон қарори билан тасдиқланган «Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида»ги низомнинг тўртинчи бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 февралдаги 12/18-6-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши ҳуқуқбузарликларни, жумладан терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш амалиёти самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

террорчилик ҳаракати тўғрисида қасддан ёлғон хабар бериш, террорчилик ташкилотини ташкил этиш ёки унга аъзо бўлиш, терроризмни оқлаш ёки террористик ҳаракатлар содир этишга даъват қилиш учун жиноий жавобгарлик белгилашга доир таклифдан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарорига 1-илова билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси асосида тайёрланган янги таҳрирдаги Жиноят кодекси лойиҳасининг 192, 193 ва 194-моддаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш муаммоларини таҳлил қилиш бошқармасининг 2020 йил 10 сентябрдаги 27/19-2-20-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши терроризм билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарликни дифференциация қилишга, террорчилик ҳаракати тўғрисида қасдан ёлғон хабар бериш, террорчилик ташкилотини ташкил этиш ёки унга аъзо бўлиш, терроризмни оқлаш ёки террористик ҳаракатлар содир этишга даъват қилишни жиноий жавобгарлик доирасига киритиш орқали уларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий воситаларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 3 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот натижасида олинган хулоса, таклиф ва илмий-амалий тавсиялар муаллиф томонидан чоп этирилган 21 та илмий ишлар (1 монография, 13 та илмий мақола, 7 та тезис)да ўз аксини топган. Ушбу мақолаларнинг 13 таси (шу жумладан 2 таси хорижий нашрларда) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК рўйхатидаги илмий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Терроризм билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонунчилигининг генезиси ва тавсифи**» деб номланиб, унда терроризм билан боғлиқ

жиноятлар тушунчаси ва унинг учун жиноий жавобгарлик белгиланишининг ижтимоий зарурати, терроризм билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонуни нормаларининг генезиси, бу борадаги хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилинган.

Тадқиқотчи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (бундан кейин матнда Ўзбекистон Республикаси ЖК деб юритилади) 155¹-моддасида («Тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни хабар қилмаслик») «**террорчилик хусусиятига эга жиноят**» тушунчаси қўлланилганлигини, ушбу модда мазмунидан террорчилик хусусиятига эга жиноят деганда, терроризм, террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтиш, чиқиш ёки ҳаракатланиш, терроризмни молиялаштириш, Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш, кўпуровчилик, жиноий уюшма ташкил этиш, шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш, радиоактив материаллардан қонунга хилоф равишда фойдаланиш, бактериологик, кимёвий ва бошқа хил ялпи қирғин қуроллари турларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тўплаш, олиш, бировга ўтказиш, сақлаш, қонунга хилоф равишда эгаллаш ва улар билан бошқа ҳаракатларни содир этиш ва темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасини олиб қочиш ёки эгаллаб олиш назарда тутилганлигини таъкидлайди.

Диссертацияда бир қатор муаллифлар (Д.М.Минязев, А.В.Новиков, О.Г.Никитенко, В.П.Емельянов, А.К.Закурлаев, Я.А.Мищенко, П.Н.Фещенко ва Д.С.Трофимов)нинг терроризм билан боғлиқ жиноятлар тушунчаси ва таркиби тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалари таҳлил қилиниб, терроризм билан боғлиқ жиноятларга нисбатан икки хил – **кенг ва тор ёндашиш** зарурати асосланган.

Кенг ёндашувга кўра, терроризм билан боғлиқ жиноятлар деганда, объекти, содир этиш усули, субъектив томони ёки бошқа хусусиятларига кўра, терроризм билан у ёки бу даражада боғлиқ бўлган барча жиноятлар тушунилади. Тор ёндашувда эса, терроризм билан боғлиқ жиноятлар деганда, тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни хабар қилмаслик, террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтиш, чиқиш ёки ҳаракатланиш ҳамда терроризмни молиялаштириш тушунилади.

Шу асосда диссертант томонидан «**терроризм билан боғлиқ жиноятлар**» тушунчасига терроризмнинг содир этилишини осонлаштириш, қулай шарт-шароит яратиш, шахсда террористик ҳаракатларни содир этиш бўйича зарур кўникмаларни шакллантириш, шунингдек, мазкур жиноятларга қарши кураш ва олдини олиш имконини чеклашга қаратилган жиноий хатти-ҳаракатлар (ҳаракатсизлик), деган муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Илмий ишда терроризм билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонунчилигининг генезиси – **қадимги давр** (милоддан аввалги 44 йилда Римда Юлий Цезарнинг сиёсий рақиблар томонидан ўлдирилиши), **Собик Иттифок даври** (1924 йилги СССР ва иттифоқчи республикалар жиноят қонунчилиги Асослари, 1958 йилги «Давлатга қарши жиноятлар учун жиноий жавобгарлик тўғрисида»ги Қонун, 1958 йилги ЎзССР ЖК), **мустақиллик даври** (1994 йилги ЖК, унга 2014 йил 20 январда, 2016 йил 25 апрелда киритилган тузатишлар, 2000 йил 15 декабрда «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонун) таҳлил қилинган.

Диссертант ушбу жиноятларга оид статистик маълумотларни таҳлил қилиш асосида Ўзбекистон Республикаси ЖК 155² ва 155³-моддаларида назарда тутилган жиноятлар динамикасида ўсиш кузатилаётганлигини қайд этади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖК 155¹-моддаси (Тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни хабар қилмаслик) бўйича 2015 йилда – 2 та, 2016 йилда – 26 та, 2017 йилда – 27 та ҳамда 2018 йилда – 9 та жиноят иши кўзғатилган. Ўзбекистон Республикаси ЖК 155²-моддаси (Террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтиш, чиқиш ёки ҳаракатланиш) бўйича 2015 йилда – 6 та, 2016 йилда – 13 та иш, 2017 йилда – 30 та, 2018 йилда – 19 та жиноят иши кўзғатилган. Ўзбекистон Республикаси ЖК 155³-моддаси (Терроризмни молиялаштириш) бўйича 2017 йилда – 5 та, 2018 йилда – 13 та ҳамда 2019 йилга – 15 та жиноят иши кўзғатилган.

Мазкур бобда бир қатор хорижий давлатлар (Австрия, Арманистон, АҚШ, Буюк Британия, Бразилия, Германия, Италия, Канада, Туркия, Филиппин, Хитой, Озарбайжон, Қирғизистон, Молдова, Туркменистон, Тожикистон ва б.қ.) тажрибасини ўрганиш асосида террористик ҳаракатларга жалб этиш, кўмаклашиш, террористик ҳаракатларни содир этишга оммавий ундаш, қўллаб-қувватлаш, террористик ҳаракат тўғрисида қасддан ёлғон хабар бериш, террористик гуруҳ ва террористик ташкилот тузиш, унга раҳбарлик қилиш ёки унинг фаолиятида иштирок этиш каби жиноятлар учун жавобгарликни алоҳида моддаларда белгилаш мақсадга мувофиқлиги асослантириб берилади.

Терроризмнинг мақсади халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлат суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуроли моjarолар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, аҳолини қўрқитиш, давлат органини, халқаро ташкилотни, уларнинг мансабдор шахсларини, жисмоний ёки юридик шахсни бирон бир фаолиятни амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилишга мажбур қилиш кабилар белгиланган. Шу билан бирга, терроризм мақсади сифатида – давлат ҳокимияти ва қуроли тузилмалар фаолиятига путур етказиш (Тожикистон ЖКда), – айбдор шахснинг бошқача ноқонуний қарорларини бажаришга мажбурлаш

(Арманистон ЖКда), – жамоатчилик эътиборини ушбу қилмишларни содир этган шахснинг муайян сиёсий, диний ёки бошқача қарашларига қаратиш (Молдовада ЖКда) ҳам кўзда тутилган. Шу маънода, давлат ҳокимияти ва қуролли тузилмалар фаолиятига путур етказишни терроризмнинг мақсади сифатида Ўзбекистон Республикаси ЖК 155-моддаси биринчи қисми диспозициясига киритиш таклиф этилади. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси ЖК 155-моддаси биринчи қисми диспозициясида терроризм объектив томони сифатида атроф-муҳитга жиддий зиён етказишни белгилаш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖК 155-моддасини такомиллаштиришда терроризмни амалга оширганлик ва бу билан таҳдид қилганлик учун ягона қисмда жавобгарликни белгилаш инсонпарварлик ва одиллик принципларига тўғри келмаслигини ҳисобга олиб, уларни алоҳида қисмларга ажратиш таклиф этилади.

Диссертацияда терроризмнинг объектив томони кўп давлатларда зўрлик, куч ишлатиш, шахс ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар сифатида таърифланади. Шу билан бир қаторда, айрим давлатларда терроризм портлатиш, ўт кўйиш (Тожикистон, Озарбайжон), сув тошириш, кўпчилик учун хавфли усулларни қўллаш (Беларусь), атроф-муҳитга жиддий зиён етказиш (Молдова) орқали ҳам амалга оширилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

МДҲга кирувчи аксарият давлатларда (Туркманистондан ташқари) терроризмни тайёрлашда иштирок этиб, ҳокимият органларига ўз вақтида хабар берган ёки бошқа усул билан оғир оқибатлар юзага келишининг олдини олган шахсларга нисбатан жиноий жавобгарликдан озод этишни назарда тутувчи рағбатлантирувчи норма мавжуд (Тожикистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Арманистон, Беларусь ЖК). Шунингдек, Молдова ЖКда анъанавий рағбатлантирувчи нормага қўшимча равишда террористик ҳаракатни содир этган шахс ёки унинг иштирокчиси ҳокимият органларини тегишли ҳаракатлар тўғрисида хабардор қилсалар ҳамда шу орқали инсонлар ўлими, уларга тан жароҳати етказиш ёки соғлиғига бошқача зарар етишига ёинки бошқача оғир оқибатлар ёки бошқа жиноятчиларни фош этишга кўмаклашсалар, уларга нисбатан мазкур моддада кўзда тутилган жиноий жазонинг энг кам миқдори қўлланилиши белгиланган (Молдова ЖК 278-м.). Шу билан бир қаторда, инсонпарварлик ва одиллик нуқтаи назаридан Қирғизистон тажрибаси алоҳида қизиқиш уйғотади. Чунки, деярли барча давлатлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖКда ҳам терроризмни амалга оширганлик ва бу билан таҳдид қилганлик учун ягона бандда жавобгарлик белгиланган. Қирғизистонда эса, террористик ҳаракатни содир этиш билан таҳдид қилганлик учун биринчи қисмда, уни амалга оширганлик учун эса, иккинчи қисмда (Қирғизистон ЖК 239-м.) алоҳида жавобгарлик белгиланган.

Диссертант юқоридагиларни инобатга олиб, жиноят қонунининг рағбатлантирувчи таъсирини кучайтириш мақсадида террористик ҳаракатни содир этган шахс давлат ҳокимият органлари билан тўлиқ ҳамкорлик қилган тақдирда, уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 155-моддасида белгиланган жиноий жазонинг энг кам миқдори қўлланилишини белгилаш ҳам ижобий натижа беради, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКда терроризм учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида давлат ёки жамоат арбоби ёхуд ҳокимият вакилининг давлат ёки жамоатчилик фаолияти муносабати билан унинг ҳаётига суиқасд қилиш ёки унинг баданига шикаст етказиш, шунингдек одам ўлими ёки бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқиши кўрсатилган.

Тадқиқотчи томонидан терроризм билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик масалалари бўйича БМТ Бош Ассамблеясининг Халқаро терроризмни бартараф этиш чоралари тўғрисидаги 1994 йил 9 декабрдаги Декларацияси, Халқаро терроризмни бартараф этиш чоралари тўғрисидаги 1996 йил 17 декабрдаги Декларацияси, Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги 1999 йил 9 декабрдаги конвенцияси, Ёлланма жиноятчиларни ёллаш, улардан фойдаланиш, молиявий таъминлаш ва ўқитишга қарши кураш тўғрисида 1989 йил 4 декабрдаги конвенцияси, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2005 йил 29 июлдаги 1617(2005)-сон резолюцияси, Европа Кенгашининг 2005 йил 16 майдаги Терроризмнинг олдини олиш тўғрисидаги конвенцияси, ФАТФ томонидан қабул қилинган терроризмга қарши 9 та махсус тавсиялар алоҳида таҳлил қилинган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг юридик таҳлили**» деб номланиб, унда терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг объектив ва субъектив белгиларининг юридик таҳлили ҳамда терроризм билан боғлиқ айрим ижтимоий хавфли қилмишларни криминализация қилиш масалалари тадқиқ этилган.

Тадқиқотчи терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг **махсус** объекти – Ўзбекистон Республикаси ЖК Махсус қисмининг иккинчи бўлимида белгиланган тинчлик ва хавфсизлик соҳасидаги муносабатлар ҳамда **турдош** объекти – тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади, деб ёзади.

Муаллифнинг фикрича, терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг **субъектив томони** шахснинг ўзи содир этаётган ижтимоий хавфли қилмишга рухий муносабати бўлиб, тўғри қасд тарзидаги айб ҳамда муқаррар мақсад – тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни хабар қилмаслик, террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтиш, чиқиш ёки ҳаракатланиш, терроризмни молиялаштириш билан тавсифланади.

Диссертацияда терроризмни молиялаштиришни «кўп миқдорда» ва «жуда кўп миқдорда» амалга оширганлик, шунингдек, электрон ёки

ахборот ва телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиб содир этганлик учун жавобгарликни кучайтириш таклиф қилинган.

Тадқиқотчи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 155³-моддасининг янги таҳрири лойиҳаси ишлаб чиқилди, унга кўра, **терроризмни молиялаштириш** «террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, фаолият кўрсатишини, молиялаштирилишини, террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишни ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишни таъминлашга, террорчилик ҳаракатини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситаларни, ресурсларни тўғридан-тўғри ёки билвосита (учинчи шахслар орқали) ҳар қандай усулда беришга, йиғишга, моддий ёки иқтисодий рағбатлантиришга ёхуд бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолият» сифатида жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Изланувчи Ўзбекистон Республикаси ЖКга «**Террорчилик ҳаракати тўғрисида қасдан ёлғон хабар бериш**» тўғрисидаги 155⁴-модданинг киритилишини таклиф қилади. Унга кўра, тайёрланаётган портлатиш, ўт кўйиш, ядровий портлаш мосламалари, радиоактив, кимёвий, биологик, портловчи, захарли, кучли таъсир қилувчи захарли моддаларнинг қўлланилиши ёки улардан фойдаланиш хавфи, шунингдек, транспорт воситалари ёки бошқа инфратузилма объектларини йўқ қилиш, шикастлаш ёки эгаллаб олиш, шахслар доирасининг ҳаёти, соғлиғи ёки мулкига зарар етказиш, одамлар ўлими, мулкка жуда кўп миқдорда зиён етказиш ёки бошқа ижтимоий хавфли оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган тайёрланаётган ёки амалга оширилаётган ҳаракатлар тўғрисида қасдан ёлғон хабар бериш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси ЖКни «**Террорчилик ташкилоти ташкил этиш ёки унга аъзо бўлиш**» учун жавобгарлик белгиланган 155⁵-модда билан тўлдириш таклиф қилинди. Унда террорчилик ташкилоти ташкил этиш, яъни террорчилик ташкилоти тузиш, шунингдек, террорчилик ташкилоти ёки унинг таркибий бўлинмасини бошқариш, шунингдек, террорчилик ташкилоти фаолиятида қатнашиш учун жавобгарликни белгилаш таклиф қилинади.

Тадқиқотчи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКни «**Терроризмни оқлаш ёки террористик ҳаракатлар содир этишга даъват қилиш**» деб номланган 155⁶-модда билан тўлдириш таклиф этилди. Унга мувофиқ, террорчилик фаолиятини амалга оширишга ошкора даъват этиш, икки ёки ундан ортиқ шахсларни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 155, 155², 155³, 158, 159, 161, 242, 245, 254, 255¹ ва (ёки) 264-моддаларида назарда тутилган жиноятлардан бирини содир этишга ундаш мақсадида террорчилик фаолиятини ошкора оқлаш ёки террорчилик фаолиятини маъқуллаш жавобгарликка сабаб бўлади.

Диссертациянинг учинчи боби «Терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг криминологик тавсифи» деб номланиб, унда терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг криминологик тавсифи, уларнинг сабаблари ва имкон берган шарт-шароитлари ҳамда терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш масалалари илмий ва амалий нуқтаи назардан таҳлил этилган.

Тадқиқот ишида, жиноятчилик ва хусусан терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг сабаб ва шарт-шароитларини шартли равишда иккига бўлиб ўрганиш: 1) жиноят содир этилган вақтда ушбу жиноят содир этилишига туртки бўлган объектив сабаб ва шарт-шароитлар (қонунчиликдаги, муҳофаза қилиш тизимидаги камчиликлар, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий вазият); 2) айнан жиноятчи шахси билан боғлиқ бўлган субъектив омиллар (жиноятчи шахсининг руҳий-психологик омиллари билан белгиланади, масалан, мўмай даромад орттириш ва ҳ.к.) мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Муаллиф томонидан терроризм билан боғлиқ жиноятларни содир этган жиноятчилар шахси алоҳида ўрганилган. 100 дан ортиқ жиноят иши материаллари таҳлиliga кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 155²-моддасида назарда тутилган жиноятлар 24–59 ёш орасидаги фуқаролар томонидан содир этилганлигини кўрсатмоқда. Мазкур жиноят аксар ҳолларда 30–40 ёш оралиғидаги (65%) шахслар томонидан содир этилаётганлигини кўрсатмоқда. Ўрганилган жиноят иши материалларига кўра, жиноятчилар ўрта (55%), ўрта-махсус (40%), тўлиқсиз ўрта-махсус (5%) маълумотга эга. Аксарият ҳолларда ушбу жиноят вақтинча ишсиз фуқаролар (96%), оиласиз, ажрашган ёки бевалар томонидан содир этилган (80%).

Ўзбекистон Республикаси ЖК 155³-моддасида назарда тутилган жиноятлар 23–62 ёш орасидаги фуқаролар томонидан содир этилган. Таҳлиллар мазкур жиноят аксар ҳолларда 40–60 ёш оралиғидаги (70%) шахслар томонидан содир этилаётганлигини кўрсатмоқда. Жиноятчилар ўрта (65%), ўрта-махсус (35%) маълумотга эга, оилали (60%), яқка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланади (80%).

Тадқиқотчи томонидан терроризмга қарши кураш тизимини жиноят содир этгунга қадар, жиноятолди ва жиноятни содир этиш босқичидаги профилактик чора-тадбирлар сингари уч босқичга бўлиш мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Муаллиф жиноятчилик сабаб ва шарт-шароитларини умумий ва махсусга бўлиб ўрганишни таклиф қилади. Жиноятчиликнинг умумий сабабларига аксарият жиноятларни содир этилишига имкон берган сабаблар ва йўл қўйган шарт-шароитларни киритиш мумкин. Жиноятчиликнинг махсус сабабларига эса, айнан муайян тоифадаги жиноятларга хос бўлган сабабларни – уларнинг диний ақидапарастлик замирида содир этилиши, кўп ҳолларда диндан ниқоб сифатида фойдаланилиши кабиларни киритиш мумкин.

Мазкур бобда ушбу соҳадаги хорижий тажриба ўрганилиб, унда АҚШ ва Германияда терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш бўйича уч бўғиндан иборат комплекс чора-тадбирлар қўлланилиши қайд этилади. Бунда *бирламчи профилактика* – бандлик сиёсати ва уй-жой билан таъминлаш сиёсатини юритиш каби чора-тадбирларни амалга ошириш орқали жиноятчилик учун шарт-шароит яратувчи муҳитга барҳам берса, *иккиламчи профилактика* – ҳуқуқбузарликка мойил ҳуқуқбузарларни жавобгарликнинг муқаррарлиги орқали жиноий хатти-ҳаракатлардан тийиб туради, *учламчи профилактика* эса, муқаддам судланган шахсларнинг қайта ижтимоийлашувини таъминлайди.

Диссертацияда терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш – бу мазкур жиноятларни содир этиш учун шароит яратадиган омилларни бартараф этишга қаратилган умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактика тадбирлари мажмуи эканлиги асослантирилган.

ХУЛОСА

Жиноят ҳукуқи ва криминологияга оид юридик адабиётларни, суд амалиёти ва статистик маълумотларни ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш асосида терроризм билан боғлиқ жиноятларга қарши курашнинг жиноят-ҳукуқий ва криминологик жиҳатларига оид хулосалар уч қисмдан иборат тарзда баён этилди:

I. Жиноят ҳукуқи назариясини ривожлантириш бўйича илмий-назарий хулосалар:

1. Терроризм билан боғлиқ жиноятларга нисбатан икки хил – кенг ва тор ёндашувни алоҳида ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Бунда **кенг ёндашувга** кўра, терроризм билан боғлиқ жиноятлар деганда, объекти, содир этиш усули, субъектив томони ёки бошқа хусусиятларига кўра, терроризм билан у ёки бу даражада боғлиқ бўлган барча жиноятлар тушунилади. **Тор ёндашувда** эса, терроризм билан боғлиқ жиноятлар деганда, тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни хабар қилмаслик (155¹-модда), террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтиш, чиқиш ёки ҳаракатланиш (155²-модда) ҳамда терроризмни молиялаштириш (155³-модда) тушунилади.

2. «Терроризм билан боғлиқ жиноятлар» тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди. Унга кўра, **терроризм билан боғлиқ жиноятлар деганда**, терроризм жиноятини содир этилишини осонлаштириш, қулай шарт-шароит яратиш, шахсда террористик ҳаракатларни содир этиш бўйича зарур кўникмаларни шакллантириш, шунингдек, мазкур жиноятларга қарши кураш ва олдини олиш имконини чеклашга қаратилган жиноий хатти-ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) тушунилади.

3. Терроризмни молиялаштиришнинг ижтимоий хавфлилиги ва мақсадига аниқлик киритилди. Терроризмни молиялаштиришнинг халқаро ва миллий даражада давлатларнинг хавфсизлигига ҳамда иқтисодиётига жиддий таҳдид солиши ҳам унинг ижтимоий хавфлилиги даражасини оширади. Ушбу қилмиш халқаро террорчилик фаолиятининг мустақил шакли бўлиб, у давлатларнинг хавфсизлигини беқарорлаштириш, ҳокимиятни эгаллаб олиш ва иқтисодий ресурсларни қайта тақсимлаш каби мақсадларни кўзлайди.

4. Терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг **турдош объекти** унинг тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноят (ЖК VIII боби) сифатидаги тавсифи орқали намоён бўлади.

II. Жиноят қонунини такомиллаштириш бўйича таклифлар:

6. Терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш доирасида халқаро террорчи ташкилотларнинг Ўзбекистон хавфсизлиги учун таҳдидини ва уларнинг иқтисодий асосларини бузиш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда, «агар терроризмни молиялаштириш халқаро террорчилик ташкилотини молиялаштириш мақсадида содир этилган бўлса», мазкур

ҳолатни жиноий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгилаш керак.

7. Ўзбекистон Республикаси ЖКни бошқа давлатлар қонунлари билан қиёсий таққослаш орқали келгусида террористик ҳаракат тўғрисида қасддан ёлғон хабар бериш, террористик ташкилот тузиш, унга раҳбарлик қилиш ёки унинг фаолиятида иштирок этиш, терроризмни оқлаш ёки террористик ҳаракатлар содир этишга даъват қилиш, яъни террористик ҳаракатларни содир этишга оммавий ундаш, кўмаклашиш, қўллаб-қувватлаш каби жиноятлар учун жавобгарликни алоҳида моддаларда белгилаш мақсадга мувофиқ.

